КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик ва жадаллаштириш



# КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА СУРЪАТ ВА СИФАТ БЎЛСИН

**Биз капитал қурилишни тубдан яхшиламай туриб, техникавий реконструкцияни амалга ошира олмаймиз.**

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладидан).

Қурувчи уйлари

## МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили охирламоқда. Халқ ибораси билан айтганда, «жўжани санайдиган» пайт яқинлашмоқда. Биз қурувчилар ўтган ўн ойдаги натижаларни дастлабки сарҳисоб қилсак, ишимизда бирмунча ютуқлар билан бир қаторда анчагина камчиликларга ҳам йўл қўйганимиз аён бўлади.

Бизнинг комплекс бригадамиз ҳозир Ипподромная—Гайдар микрорайонида турар-жой биноларини қуряпти. Биз бу ерда ўнта блокдан иборат, ёй шаклидаги тўққиз қаватли улкан турар жой комплексини барпо этяпмиз. Умуман бригадамиз аъзолари шу йилнинг ўтган ўн ойида ёмон ишлашмади. Июль ойида уйнинг 48 квартирали «В» ва «Г» блокларини, бир ой ўтгач, 80 квартирали «А» ва «Б» блокларини фойдаланишга топширдик.

Мана, ҳозир шу уйнинг яна учта блокини фойдаланишга топширишга тайёрламоқдамиз. Биз билан биргаликда бошқармамизнинг С. Сигаев бошчилигидаги бригадаси объектда ишлаяпти. Шунингдек, 2-уйсозлик комбинатимизга қарашли 2-пардозлаш ишлари бошқармаси ва Пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармаси ишчилари ғайрат кўрсатишяпти. Улар сайқал бериш ишларини тезкорлик билан бажаришяпти. Ҳозир биз бу коллективлар билан биргаликда уйнинг биринчи қаватига қўшиб қурилган маиший ва савдо объектларини фойдаланишга топширишга тайёрламоқдамиз.

Биз иш сифати ва самарадорлигини ошириш учун ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ишлаяпмиз. Бинобарин, пировард натижа объектда ишлаган барча қурувчиларнинг — монтажчиларнинг ҳам, пардозловчиларнинг ҳам ўз вазифасига қандай ёндошганига боғлиқ бўлади. Агар барча қурувчилар ўзларига топширилган юмушни сидқидилдан адо этсаларгина кейинчалик бу ерга кўчиб кирган ҳамшаҳарларимиз мамнун бўладилар.

Бригадамизда меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги билан кўпчиликка ибрат кўрсатаётган тажрибали қурувчилар анчагина. Чунончи, Ҳожиакбар Пўлатов билан Юрий Мудровни олайлик. Уларнинг бири электр пайвандчи, иккинчиси бетончи. Бироқ, бу тажрибали бинокорлар комплекс бригада бажарадиган барча юмушларни уддалай оладилар. Зарур бўлган тақдирда дурадгорлик, ғишт териш, пардозлаш ишларини ҳам аъло даражада адо этишади. Улар ёшларга мураббийлик қилиб ўз тажрибалари ва маҳорат сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Абдуқодир Маҳкамбоев, Рустам Муродов каби бригадамизга кейинроқ келиб қўшилган ёшлар ҳам бугунги кунда ўз мураббийларига тенглашиб ишлашяпти. Улар ҳам бир нечтадан касбни ўзлаштириб олишган. Кунлик ва ойлик топшириқни ҳамиша ошириб адо этишга интилишади.

Бугунги кунда шаҳримиз қурувчилари олдига катта талаблар қўйилмоқда. Шаҳар қурилиш индустрияси бир маромда ишламаётгани тез-тез таъкидланмоқда. Бунга ўтган йилларда йўл қўйилган муайян камчиликларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бироқ бугунги кунда турли сабабларни рўкач қилиб план-топшириқларнинг барбод бўлишига йўл қўймаслик лозим. Биз қурувчи деган шарафли номга доғ туширмаслигимиз керак. Биз кўпроқ изланишимиз, ишнинг тажрибада синовдан ўтган илғор усулларини қўллашимиз, янги техникани самарали жорий этиш чораларини кўрмоғимиз даркор.

Қурилишда қўл меҳнатининг улуши ҳамон юқори. Агар бинокорлик юмушларини унумли бажарадиган техника воситалари кўпроқ бўлганида эди меҳнат унумдорлигини янада оширишимиз мумкин бўларди. Шундай экан, бинокорлик саноати мутахассислари янги истиқболли техника воситаларини яратиш борасида кўпроқ изланишлари керак. Биз эса ўз навбатимизда ишимизни енгиллаштирувчи самарали воситаларни амалда жорий этишдан қочмаймиз.

Коллективимиз Улуғ Октябрнинг 69 йиллик санасини ўн ойлик топшириқни муддатидан илгари бажариш билан кутиб оляпти. Айни пайтда Улуғ Октябрнинг келгуси йили нишонланадиган 70 йиллиги байрамигача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили топшириғини бажариш юзасидан социалистик мажбурият олганмиз. Бригадамиз аъзолари ваъдага вафо қилиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарлар этадилар.

**Р. НИЁЗОВ,**
2-уйсозлик комбинати 60-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бригадири, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери.

## РЕКОНСТРУКЦИЯ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

Шаҳримизда ишлаб чиқариш бинолари ва жиҳозлари эскирган корхоналар анчагина. Улардан бири «Водииндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош заводи бўлиб, соҳанинг етакчи ва айни пайтда энг кекса корхоналаридан бири ҳисобланади.

— Корхона тубдан реконструкциялаш ва қайта жиҳозлашга муҳтож, — дейди бош инженер Марат Қосимович Ёқубжонов. — Ана шу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилди. Бош механик ўринбосари И. Авдеев бошчилигида янги техникани жорий этиш бўйича махсус бригада тузилди. Уни техник раҳбар дейиш мумкин. Коллективнинг амалий фаолиятига С. Николенко жавоб беради. У заводда темирчи бўлиб ишларди. Токарлик ишини ҳам яхши биладди. Бир сўз билан айтганда, юқори малакали ижодий изланувчан ишчи.

Бригадага тажрибали, ўз ишини пухта билувчи, фаол рационализаторлар уюштирилган. Чунончи, Евгений Ким — фрезеровкачи, Владимир Шок — слесарь, пайвандчиликни яхши ўрганиб олган. Ана шу касбларни Владимир Никитин ҳам билади. Александр Койнов токарлик касбининг устаси. Бригада апрель ойида тузилган эди. Шундан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо, коллектив иши ҳозирдаёқ кўзга кўриниб турибди.

Корхонанинг арматура цехида иссиқлик трассаларининг «Г»симон блоклари ва новлари каркасини тайёрлашда катта қийинчиликларга дуч келинар эди. Сим тўрни алоҳида пайвандлаш, ҳалқани алоҳида букиш, кейин каркас элементларини бириктириш ва яна пайвандлашга тўғри келар эди. Рационализаторлар Н. Авдеев, Ю. Валяев ва М. Халилов бу ишларни бажариш учун махсус эгувчи дастгоҳ қўллашни таклиф қилишди. Дастгоҳ қисилган ҳаво кучи билан ишлайди ва пайвандланган арматура элементларини исталган ҳолда бука олади.

С. Николенко етакчилигидаги бригада рационализаторлар таклиф этган дастгоҳни ясади. Уни ясашда ҳисобдан чиқарилган деталлардан, металл қолдиқларидан ва турли механизмларнинг эҳтиёт қисмларидан фойдаланилди. Дастгоҳ ишлатиб кўрилгач, афзалликлари дарров намоён бўлди. Ундан фойдаланилиши туфайли одамлар меҳнати бирмунча енгиллашди, анча сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди.

Узунлиги 12 ва 15 метрли бўшлиқли кўприк плиталари ишлаб чиқарилувчи механизациялашган технология линиясини жорий этишга ҳам бригада катта ҳисса қўшди. Бригада аъзоларининг таклифи билан линиянинг бошқарув механизмларига ўзгартишлар киритилди. Натижада ишчилар меҳнати енгиллашди, линияни бошқариш соддалашди.

Ҳозир заводга кўплаб янги технология жиҳозлари келтириляпти. Уларни ўрнатиш ва ишга тушириш билан ҳам С. Николенко бригадаси шуғулланяпти. Кўпинча монтаж ишлари бажарилаётган пайтда механизмларнинг у ёки бу нуқсонлари, жиҳозларнинг мавжуд иш шароитига номувофиқ жойлари борлиги маълум бўлиб қолади. Бундай пайтда бригада аъзолари нуқсонларни тезда бартараф этишади, янги техникани самарали жорий этиш ва ундан оқилона фойдаланиш чорасини кўришади.

Яқинда корхонага бетон қоришмани қолипларга зич қуйиш учун қўлланиладиган янги тебратгич мосламалари олиб келинди. Бироқ, уларнинг тебраниш даражаси бир қатор буюмларни ишлаб чиқаришда технология талабларига жавоб бермади. Уларни ишлатишда тегишли самарага эришиш учун бригада аъзолари анчагина тер тўкишларига тўғри келди.

— Олдимизда катта ва масъулиятли ишлар турибди, — дейди С. Николенко. — Корхонадаги реконструкция ишлари эндигина бошланмоқда. Бизнинг вазифамиз уни жадаллаштиришдан, у салмоқли самара беришига эришишдан иборат.

**Ю. КОВАЧ,**
**«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.**

## Ташаббускор бригадир

Коммунист Зинур Фасхутдинов меҳнатнинг илғор усуллари, янги техникани жорий этиш, қурилиш-монтаж ишларини тўғри ташкил этиш йўлларини яхши ўзлаштириб олган. Шунинг учун ҳам уни 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармасида ташаббускор бригадир дейишади.

Ўз касби сирларини мукаммал эгаллаб олган бу пешқадам қурувчи бошқарманинг илғор бригадаларидан бирига бошчилик қилмоқда. Мана қарийб чорак асрдан бери у шаҳримизнинг турли қурилишларида тер тўкмоқда. Зилзиладан сўнг шаҳарни қайта тиклашда қатнашди. Ўнлаб ёшлар шарафли бинокорлик касбини ундан ўрганишганидан фахрланишади. Тажрибали мураббийдан фақат кейинги пайтнинг ўзида Шариф Мингалиев пайвандчилик, Олег Ромашкин монтажчилик сирларини ўрганиб олишди.

Сурати комбинат ва бошқарманинг Ҳурмат тахтасини бир неча йилдан бери безаб турган бу қурувчи етакчилигидаги бригада аъзолари Чилонзор, Юнусобод, Оқтепа, Қўйлиқ, Ивановолик тўқимачилар массивларида бирқанча уйларни «яхши» ва «аъло» баҳо билан фойдаланишга топширишган. Ҳозир коллектив бинокорлари Сегизбоев кўчасида янги уйлар қуришяпти. Иш сифати ва суръати ёмон эмас.

Бригада бирнеча йилдан бери злобинча бригада хўжалик пудрати асосида ишлаб дуруст натижаларга эришяпти. Иш сифати яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ошмоқда.

Коллектив қурилиш материаллари, электр энергияси ва ниҳоят иш вақтининг қадрини билади. Шу боисдан ҳам бригадада меҳнат ва технология интизомининг бузилиши каби кўнгилсиз ҳоллар барҳам топди.

Ҳозир З. Фасхутдиновнинг ўзи 1987 йил календари бўйича меҳнат қиляпти. Унинг етакчилигидаги коллектив Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини, бажариш иштиёқида социалистик мусобақани авж олдирмоқда.

— Пешқадам бригадир З. Фасхутдинов сўзи билан иши бир бинокор эканини бутун бошқарма коллективи билади, — дейди 2-қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи А. Шварц. — Шундай экан, коллектив ўз мажбуриятини албатта бажаради. Бунга бригада 17 қурувчисининг кундалик зарбдор меҳнати кафолот бўлади.

**Ф. МИХАЙЛОВ.**



Шаҳримизда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Метросозлар ана шу қулай транспорт турининг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир Ўзбекистон линиясининг иккинчи навбатини қуриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Уйсозлар замонавий, барча қулайликлари бўлган кўп қаватли уйларни ҳамшаҳарларимизга туҳфа этишмоқда.

**СУРАТДА:** Пушкин ва Новомосковская кўчалари муюлишида қурилган янги уй-жойлар акс эттирилган бўлиб, бу ерда улкан тўққиз қаватли бинонинг навбатдаги корпуси қурилиши давом эттирилмоқда.

## ЯНГИ МИКРОРАЙОН

Юнусобод массивининг янги «СБ-5» микрорайони кўкка бўй чўзмоқда. Микрорайон қурилишини 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси ва бошқа қурилиш коллективлари олиб боришяпти. Айни кунларда қурувчилар 175 квартирали турар жой биносини тезкорлик билан қуришяпти. Ҳозиргача шу бинонинг 80 квартирали қисми фойдаланишга топширилди.

Ҳозир турар жой биносининг 95 квартирали қисми монтаж қилинмоқда. Бинодаги квартираларнинг балкони, ошхонаси ва коридорлари аввалги типдаги биноларникига қараганда кенг ва ёруғ. Объектдаги пардозлаш ишларини 1-уйсозлик комбинатига қарашли 3-пардозлаш ишлари бошқармаси сайқалчилари бажаришяпти. Шу уй яқинида янги болалар боғчаси қурилиши ҳам бошлаб юборилган.

**Х. МИРЗАКАРИМОВ.**

## ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати 1953 йилда ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча ўсди. Бу, албатта янги техника воситалари қўлланиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг ички резервлардан унумли фойдаланилиши самарасидир.

Комбинатда эшик, дераза, пол тахталари каби қурилиш учун зарур бўлган бинокорлик буюмлари ишлаб чиқарилади.

— Бу буюмлар республикамиз қурилиш ташкилотларига, шунингдек қўшни республикаларга ҳамда РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасига юборилмоқда, — дейди комбинат юк ортиш-тушириш цехи бошлиғи И. Маъдиев.

Шу кунларда аҳил коллектив Улуғ Октябрь байрамини ёруғ юз билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қиляпти. Коллектив ўн ойлик планни ошириб бажарди. Бу ерда иқтисод ва тежамкорлик масалаларига катта эътибор беришяпти. Чунончи, иссиқлик энергиясини тежаш борасида яхши натижаларга эришилди. Шу йил бошидан бери 200 кубометр ёғоч материаллари тежаб қолинди.

Корхонада буюмлар сифати ва иш самарадорлигини ошириш учун кураш қизитилмоқда. Кейинги йилларда буюртмачиларга юборилган маҳсулотлар юзасидан бирорта ҳам шикоят тушмаганини қувонч билан айтиш мумкин. Бундай ютуқларга эришилишида Мирҳоким Мирмаҳмудов, Ҳамидулла Абдуллаев, Валентина Горькова каби илғор ишчиларнинг улушлари катта. Улар каби ўз ишига виждонан ёндошиб меҳнат қилаётган ўнлаб ишчиларнинг номларини келтириш мумкин.

Коллектив эришилган натижалар билан қаноатланиб қолаётгани йўқ. Ишлаб чиқаришда вужудга келувчи айрим муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Комбинат ишчи ва хизматчилари йиллик план-топшириқларни 25 декабргача бажариш мажбуриятини олишган. Улар айни кунларда барча имкониятларини ишга солиб, ўз сўзларининг устидан чиқишга интилмоқдалар.

**М. АБДУҚАҲҲОРОВ.**

Луқма

## УСТИ ЯЛТИРОҚ...

**Биз яқинда Себзор кўчасидаги 45-уйга кўчиб кирдик. Бу бинонинг кўриниши жуда чиройли, кўнглимиздагидек, аммо квартираларимиз ҳақида гапирсак юрагимиз ачишади. Нега десангиз, қайси биримизникига кирманг, қатор камчиликларга дуч келасиз.**

**Бу квартираларни қабул қилган комиссия аъзолари ичкарига кирмай, эшигимиз тагидан қайтиб кетишган бўлса керак-да! Чунки деярли 18 та квартиранинг линолеумлари яхши ёпиштирилмаган, кўпларимизнинг шкафларимиз текис ўрнатилмаганлиги учун дарз кетган. Ваннахоналардаги кафеллар яхши ёпиштирилмаганлигидан бирин-кетин «тап-тап» тўкилиб ётибди. Эшиклар қийшиқ, бир хил хоналарда розеткалар йўқ. Хуллас, гапирсак, адо бўлмайди. Уйимизни қурган қурувчилардан бунинг сабабини сўрасак, «Бизни тез бўлинглар деб қувишади», дейишади.**

**116-квартиранинг эгаси Акбаров бизнинг нолишларимизни эшитиб ҳайрон бўлди.**

**— Шу камчиликларни камчилик деяпсизларми, юринглар, мен сизларга уйимни бир кўрсатай, — деди.**

**Акбаровнинг уйига ёппасига қўшнилар ҳаммамиз чиқдик. Ваннахонада трубалар микрофонга ўхшаб чиқиб турар, кафеллар тўкилиб ётарди.**

**Ўша куни ҳаммамиз бир-биримизнинг хоналаримизни кўрар эканмиз, кулавериб ичагимиз узилди. Айни пайтда юрагимиз ачишди. 107-квартирада икки хонага электр сими ўтмаган экан. Электрик келиб, деворларни тешиб ташлаб, иш орттириб кетибди.**

**Менинг 102-квартирамда эса бир хонага кириб, чироқ ёқсам, бошқа хонанинг чироғи ёнади. Ваннахонадаги трубалар эса тешик, сув отилиб ётибди. Сантехниклар тузатишга ваъда беришдан нари ўтаётганлари йўқ.**

**Хуллас, қурувчиларнинг шошма-шошарлик билан уй қуриши, қабул комиссиясининг бепарволиги бизга жуда қимматга тушди. Ҳар куни ишдан қолиб, ҳали сантехникларни, ҳали электрикларни, ҳали 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4 ва 25-қурилиш бошқармалари прорабларининг кетидан югуравериб тинка мадоримиз қуриди.**

**4-уйдаги нуқсонлар қачон бартараф бўларкин!**

**Н. НАСРИДДИНОВА.**



Галина Глазатова асбобсозлик заводининг тажрибали ишчиларидан саналади. Унга Коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилган, «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Социалистик мусобақа илғори» нишонлари билан тақдирланган. Илғор ишчи меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб, иш соатининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиб ишлаб, смена топшириқларини мунтазам 1,5 баравар ортиғи билан адо этяпти ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

**СУРАТДА:** илғор ишчи Галина Глазатова.

М. Нуриддинов фотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЛОНДОН. Шимолий Атлантика блоки ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатишдан воз кечиши керак, деди бу ерда лейбористлар партиясидан парламент депутати О'нил. Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Британия комитети уюштирган жамоатчилик митингида сўзлаган нутқида НАТО томонидан қўйиладиган мана шундай қадам Европадаги вазиятни барқарорлаштиришга, қитъада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда кўмаклашган бўлур эди, деб таъкидлади. Европанинг барча халқлари шуни талаб қилмоқдалар, деб уқтирди парламент аъзоси.

ВАШИНГТОН. Пентагон қурол-яроғларнинг сифат жиҳатидан янги турларини яратиш сари яна бир қадам қўйди. Америка матбуотининг маълумотларига кўра, ҳарбий денгиз кучлари министрлиги иккита энг катта ҳарбий саноат компанияси — «Грумман» ва «Нортроп»га радарлар пайқай олмайдиган янги штурмчи самолёт ишлаб чиқишни рақобат асосида бошлашни топширди. Шартноманинг тафсилотлари қатъий сир тутилмоқда. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, 90-йилларнинг ўрталарида янги самолёт қурол-яроғлар сафига қабул этилиши мумкин.

НЬЮ-ЙОРК. Никарагуалик контрасларга ёрдам бериш операциясида бошдан-оёқ МБРнинг қўли бор, деди шу жосуслик маҳкамасининг собиқ ходими Ральф Макгихи. У Си-Эн-Эн телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Никарагуада қамоққа олинган америкалик Хазенфус МРБнинг топшириғини бажарганлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Унинг самолёти ҳарбий-ҳаво кучларининг Сальвадорда жойлашган ва АҚШ назорати остидаги ҳамда МРБ пули ҳисобига сақланадиган Иллопанга базасидан учиб чиққан. Уриб туширилган самолёт «Сазерн Эйр транспорт» компаниясига қарашли бўлган, бу компания 1975 йилда батамом МРБ қўлида эди. Ҳозир ҳам унинг самолётлари бутун дунё бўйлаб МРБнинг топшириғи билан учиб юрганлиги равшан. Ҳамма расмий раддияларга қарамай, Хазенфус МРБдан бошқа бирон-бир ташкилотга хизмат қила олмаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

## ПОКИСТОНДАГИ ПОРТЛАШЛАР

**КОБУЛ. Пуштунларнинг афридий қабиласи лашкарларига мансуб жангчилар қўйган мина портлаши натижасида афғон аксилинқилобчилари тўдасига тегишли қурол-яроғ сақланадиган катта омбор осмонга сочилиб кетди. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, Покистоннинг шимолий-ғарбий чегара вилоятида жойлашган омбордаги портлашдан сал аввал бу ерга Американинг Афғонистон Демократик Республикаси теварагидаги уруш ҳаракатларига мўлжалланган энг янги қурол-яроғи келтирилган эди.**

**Пуштун лашкарлари Бадабера районида босмачиларни тайёрлаш лагерида, ғазандалар «дам олиб» ётган Пешовардаги меҳмонхонада, шунингдек тор-мор этилган тўдалардан омон қолган босмачиларни йиғиб, сўнгра Афғонистонга юбориладиган террорчи гуруҳларга тақсимловчи марказ бўлиб хизмат қилиб келган «Баламани» меҳмонхонасида ҳам миналар портлатдилар. Натижада 18 ғазанда ўлди, ўнлаб босмачи жароҳатланди.**

**БАХТАР агентлигининг яна бир хабарида айтилишича, аксилинқилобчиларни Афғонистон чегарасига ўтказиш учун фойдаланиб келинган стратегик темир йўл кўприги ҳам портлатилган.**

## МУГАБЕНИ ЎЛДИРИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛОВЧИ ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

РИМ. Зимбабве хавфсизлик кучлари ирқчи ЖАР агентларининг республика бош министри Роберт Мугабени ўлдириш мақсадида тайёрлаган фитнасини фош этдилар. Бу ерга келган Зимбабве ташқи ишлар министри Уитнесс Мангвенде шу гапни айтди. Террорчилик режасини амалга ошириш учун мамлакатга бир гуруҳ ажнабий агентлар юборилган эди. Претория ирқчилик режимига қарши чиқаётган ҳамма кишиларни ҳар қандай воситалар билан ўлдиришга интилаётганлиги яхши маълум, деб таъкидлади министр.

## АДРнинг МИЛЛИЙ БОЙЛИКЛАРИ ТАЛАНМОҚДА

КОБУЛ. Афғонистон аксилинқилобчилари ўз халқига қарши эълон этилмаган уруш олиб боришдан ташқари, АДР миллий бойликларини очиқдан-очиқ талаш билан ҳам шуғулланмоқда. Афғонистондан Покистонга зумрад яширинча олиб чиқиб кетилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар шундан яққол далолат беради. Босмачилар Панжшир водийсида зумрад қазишни кенг йўлга қўйганлар.

Панжширда тор-мор келтирилган аксилинқилобчи тўданинг собиқ аъзоси Муҳаммад Карим деган кимсанинг айтишича, АДРнинг шу районига Покистондан парма машиналари ҳамда геологик разведка ускуналари юборилган. Ўзини журналист қилиб кўрсатаётган Америка маслаҳатчилари ҳам шу ерга яширинча етиб келганлар. Улар конларни яхшилаб фотосъёмка қилганлар, разведка ишлари ҳамда зумрад қазиб олиш суръатларини жадаллаштириш борасида профессионал маслаҳатлар берганлар. Бир неча йил мобайнида, дейди Карим, қазиб олинган зумрад карвон сўқмоқлари орқали Покистонга юбориб турилган ва босмачиларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг океан ортидаги ҳомийлари қўлига бевосита бориб тушган.

**(ТАСС).**

